

336.5(043.3)
0-75

U

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кулёзма ҳуқуқида
УДК 336.717(575.1)

Ортиқов Ойбек Абдуллаевич

**БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИ
ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2009

336.5 (043.3)

0-75

Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.

- Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор
Вахобов Алишер Восиқович
- Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор
Иминов Одилжон Каримович
- иқтисод фанлари номзоди
Додиев Фозил Ўтқурович
- Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил "5" июнь куни соат 16⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил "1" май да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди**



Ф.И.Мирзаев

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган хизматлар миқдор ва сифат кўрсаткичлари жиҳатидан халқаро банк амалиёти андозалари талабларига жавоб бериши муҳим аҳамият эга. Мамлакатда банклараро рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаганлиги мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва сифатини оширишга салбий таъсир қилмоқда. 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг 57,3 фоизи учта тижорат банки - ТИФ Миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Асакабанк” ҳиссасига тўғри келди. Мазкур санада қайд этилган тижорат банклари умумий капиталларининг республикада тижорат банклари брутто капиталга ҳажмидаги салмоғи 46,5 фоизни ташкил қилди¹. Юқоридаги ҳолатлар республикада банклараро рақобат муҳитининг тўлиқ шаклланмаганлигидан далолат беради. Шунингдек, 2008 йилдаги жаҳон молиявий инкирозининг асосий сабабларидан бири ҳам “бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади”². Тижорат банклари томонидан очилаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми таъминланган аккредитивлардан иборат эканлиги, ҳисоб-китоб чекларининг мавжуд эмаслиги, соф инкассо воситасидаги тўловлар амалиётининг шакллантирилмаганлиги республикада тижорат банкларида ҳисоб-китоб хизматининг ривожланмаганлигидан далолат беради. Ушбу муаммога Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримов алоҳида эътибор қаратиб, банк хизматлари бозорида деярли рақобат йўқлигини таъкидлаб ўтганлар³. Шунингдек, тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштириш масаласи алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштиришнинг алоҳида йўналишлари хорижлик иқтисодчи олимлардан К.Байнке, Е.Жуков, Р.Коттер, О.Лаврушин, Ж.Матук, Г.Панова, Д.Полфреман, Э.Рид, П. Роуз, Ж.Синки, Н.Соколинская, А.Тавасиев, В.Усоскин⁴ларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Абдуллаева, Б.Бердияров,

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.-8 б.

³ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2007.-205 б.

⁴ Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 3-изд./Под ред. О.И.Лаврушина. Москва.: Кнорус, 2005.-766 с.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ./П.С.Роуз.- Москва.: Дело, 1997.-743 с.; Тавасиев А.М. Банковское дело: базовые операции для клиентов: Учеб. пособие/Под. ред. А.М.Тавасиева.-Москва.: Финансы и статистика, 2005.-302 с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. -Москва.: МКЦ ДИС, 1997. -464 с.

А.Ваҳобов, О.Иминов, Т.Қоралиевлар⁵нинг илмий изланишларида тижорат банкларида хизмат кўрсатиш йўналишлари тадқиқ қилинган.

Иқтисодийтни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммо эканлиги ва уларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқилишининг зарурлиги, иқтисодий адабиётда банклараро рақобат муҳити тўла шаклланмаган шароитда банк хизматлари мажмуини алоҳида махсус илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги ушбу номзодлик диссертацияси мавзуси танланишига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент Молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодийтнинг эркинлаштириш шароитида тижорат банклари хизматларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– банклараро рақобат ва банк хизматлари сифати ўртасидаги алоқадорликка хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;

– хорижий давлатларнинг банк хизматларини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларини таҳлил қилиш ва уларнинг ижобий жиҳатларидан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– республикамиз тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари хизматларини такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти - Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банклари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети республикамиз тижорат банклари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотни амалга оширишда тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таркибий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– банк хизматлари қўламини белгилашда уларнинг ликвидлиги ва даромадлигини инобатга олиш тавсия этилди;

⁵ Абдуллаева Ш. З. Банк иши: ўқув қўлланма. - Тошкент: Молия, 2003. 312 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати – Тошкент, 2002. 20 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Тошкент, 2002. -38 б.; Қоралиев Т.М. ва бошқ. Хўжалик юртишнинг хозирги шароитида кредит механизми ва банклар. ўқув қўлланма – Тошкент, “Ўзбитцентр” 1991. 80 б.

– банк мижозларининг турли тоифаларга мансублиги, уларнинг аксарияти янгидан ташкил этилаётган тузилма эканлигини инобатга олган ҳолда, банкнинг интеллектуал хизматлари салмоғини ошириш таклифи ишлаб чиқилди;

– республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитлардан олинган фоизлар кредит кўйилмалари ўсиш суръатидан пастлиги туфайли кредитлаш хизмати самарадорлигига нисбатан салбий таъсирнинг юзага келаётганлиги асосланди;

– мамлакатимизнинг қатор йирик тижорат банклари активлари таркиби таҳлил қилинилиши асосида уларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган инвестицион хизматлар кўрсатиш амалиёти такомиллашмаганлиги асослаб берилди;

– янги информацион технологияга асосланган хориж тажрибасида кенг қўлланиладиган телефон банкинг, ПС банкинг, интернет банкинг каби хизмат турларини жорий этиш ва такомиллаштириш асослари ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги:

– банклараро рақобат ва банк хизматлари сифати ўртасидаги алоқадорликка хос бўлган хусусиятлар аниқланди;

– банк хизматларини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасидан республикамиз банк амалиётида ижобий фойдаланиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилди, шу жумладан, соф фоизли спреднинг меъёрий даражасини таъминлаган ҳолда, банклараро рақобат шароитида, тижорат банкининг банк хизматлари бозоридаги мавқенини сақлаб туриш таклифи асослаб берилди;

– Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг хизматлар кўрсатиш амалиётига хос бўлган қуйидаги тенденциялари аниқланди:

- мижозларга банклар томонидан касса хизмати кўрсатишда нақд пул таъминотида узилишларнинг мавжудлиги асослаб берилди;

- тижорат банкларининг кредитлаш хизмати самарадорлигини оширишга салбий таъсир килувчи омиллар аниқланди;

- тижорат банкларининг депозит хизматида салбий таъсир килувчи омилларнинг мавжудлиги асосланди (республикамизнинг йирик тижорат банкларида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 50 фонздан юқори эканлиги, аҳолининг буш пул маблағларини жамғарма депозит хисобрақамларига жалб этиш даражасининг пастлиги ва ҳ.к.);

- тижорат банклари ҳисоб-китоб хизматининг самарадорлик даражасининг паст эканлиги асосланди;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари хизматларини, банклараро рақобатнинг кучайиши шароитида такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация илмий хулосалари ва амалий тавсиялари банк хизматларини такомиллаштиришни чуқур тадқиқ этишга бағишланган келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш

мумкин. Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг илмий тақлифлари ва амалий тавсиялари республикада тижорат банкларида банк хизматларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбир тизимини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банklar”, “Банк иши”, “Банк менежменти ва маркетинги” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишининг натижалари АТ “Ғаллабанк”и (2008 йил 14 январдаги 2-сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Тошкент Молия институтида “Пул, кредит ва банklar”, “Банк иши” ва “Банк менежменти ва маркетинги” (2008 йил январдаги маълумотнома) фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синондан ўтиши. Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари 17-Международные Плехановские чтения (Москва 2004), “Ўзбекистонда банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” (Тошкент 2004), “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши” (Тошкент 2006), “Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш” (Тошкент 2006), “Развитие розничного банковского бизнеса” (Ташкент 2007), “Seeking ways for business & economic cooperation among the national along the Silk Roads” (Korea, 2008) халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган ва маъқулланган. Диссертация иши Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Минтақавий банк ўқув маркази бирлашган илмий семинарларида ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий мувофиқлаштирилган кенгаши мажлисида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг натижалари бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган. Шулардан республика ва халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида 6 та маъруза тезиси (2 таси хорижда) ҳамда 2 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса қисми ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ўз ичига 16 та жадвал, 4 та расм, 1 та иловани олган ҳолда 162 бетлик ҳажмдаги матнни ташкил этади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобат объектив зарурият бўлиб, унинг ривожланишини таъминловчи асос ҳисобланади. Банклараро рақобат муҳитига баҳо бериш учун дастлаб йирик тижорат банкларининг миллий ссуда капиталлари бозоридаги салмоғи, йирик тижорат банкларининг банк тизими умумий капиталидаги улуши аниқланади.

Халқаро амалиётда банклараро бозордаги рақобат муҳитини баҳолашда Бозор концентрацияси коэффициентини (БКК) кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Ушбу коэффициентнинг норматив даражаси 35 фоизни ташкил қилади. Мазкур коэффициент қуйидаги методика орқали аниқланади:

$$\text{БКК} = \frac{\text{мамлакатдаги 3 та йирик банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури}}{\text{ушбу хизмат турининг жами тижорат банкларидаги улуши}} \times 100\%$$

Ушбу методика ҳар бир хизмат тури бўйича банклараро рақобатни баҳолаш имконини беради. Мамлакатдаги учта йирик тижорат банкларининг маълум хизмат тури бўйича банклараро бозордаги салмоғи 35 фоиздан ошмаслиги мамлакатдаги банклараро рақобат муҳити соғлом ва нормал эканлигини кўрсатади.

АҚШ ва Германияда БККни 20 фоиздан паст эканлиги кузатиш мумкин. Лекин Австралия, Бельгия, Франция, Голландия ва Швецияда ушбу коэффициентнинг амалдаги даражаси 35 фоиздан юқори бўлиб, банк ресурсларининг йирик банкларда марказлашиш даражаси юқори эканлигидан далолат беради⁶.

Ўзбекистон Республикасида 2009 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари капитали бўйича БККнинг ҳақиқатдаги даражаси 46,5 фоизни ташкил қилди.

$$\text{БКК} = \frac{599,7+167,1+210,7}{2104,3} \times 100\% = 46,5\%$$

Капитал бўйича БККни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) Миллий банки (599,7 млрд. сўм), “Ўзсаноатқурилишбанк” (161,1 млрд. сўм) ва “Асакабанк” (210,7 млрд. сўм)нинг умумий капитали олинди ва унинг республикамиз тижорат банклари умумий капитали жами суммасидаги салмоғи аниқланди.

Банк капитали бўйича БККнинг республикамиздаги даражаси унинг норматив кўрсаткичидан сезиларли даражада юқоридир. Бу эса, банклараро рақобат муҳитининг тўлиқ шаклланмаганлигидан далолат беради. Агар уч тижорат банкнинг маълум хизмат тури бўйича банклараро бозордаги салмоғи 70 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда банклараро бозорда рақобат муҳити мавжуд эмас, деган хулосани шакллантириш имконини беради.

Қуйида биз, банклараро депозит бозори ва кредитлар бозоридagi рақобат муҳитини БКК орқали баҳолаймиз. Уч йирик банк сифатида ТИФ Миллий банки, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “Асакабанк”ни оламиз.

1) Банклараро депозит бозорида БККнинг даражаси:

$$\text{БКК} = \frac{1253,2+474,3+662,2}{5771,6} \times 100\% = 41,4\%$$

Демак, ушбу ҳисоб бўйича банклараро депозитлар бозорида ҳам соғлом

⁶ Урманова Н. Конкурентная среда в банковском секторе и необходимые условия ее формирования // Рынок, деньги и кредит. – Ташкент, 2007. -№3. -С15-16.

ракобат мухити тўла шаклланмаган, деган хулосага келинади.

2) Банклараро ссуда капиталлари бозорида БККнинг даражаси:

$$\text{БКК} = \frac{2097,8+943,1+610,4}{6374,4} \times 100\% = 57,3\%$$

Демак, Республикамиз ссуда капиталлари бозорида ҳам ракобат мухити тўла шаклланмаган.

Банклараро бозорда соғлом ракобат мухити тўлик шаклланмаганлиги банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, банклар томонидан бериладиган кредитлар фоиз ставкаларини пасайтириш, муддатли ва жамғарма депозитларига банклар томонидан тўланаётган фоизлар ставкаларини ошириш имконини бермайди, шунинг учун ҳам, тараккий этган давлатларда ва аксарият ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида банклараро бозордаги ракобат мухитини шакллантириш, айрим банкларнинг бозордаги монопол мавқеига барҳам бериш мақсадида махсус конунлар қабул қилинган. Масалан, Россияда банклараро бозорда йирик банкларнинг монопол мавқеига барҳам бериш имконини берадиган “Молия хизматлари бозоридаги ракобатни химоя қилиш тўғрисида”ги конун қабул қилинган. Бирок, республикамизда молиявий хизматлар бозорида банклараро ракобатни тартибга солувчи алоҳида конун мавжуд эмас. Фақат товар бозорларидаги ракобат ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги конун мавжуд. Ушбу конунга кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозоридаги улуши 65 фоизга етиши ва ундан ошиши мумкин эмас.

Банк хизматлари деганда банкнинг оператив ва стратегик фаолияти, самарали бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар мажмуаси тушунилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банклари ўз хизматлари мажмуасини шакллантиришга эришди. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида банклар ўртасидаги ракобат кураши уларни кўшимча миқдорлар жалб этиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини кенгайтириш учун янгича ёндашишга ундамоқда.

Тижорат банклари хизматларини иқтисодий мазмуни ва кўзланган мақсадига кўра, икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Маълум даражада банкнинг ликвидлигини сақлаб туриш учун бажариладиган хизматлар.

2. Даромад олиш мақсадида бажариладиган хизматлар. Ушбу икки хизматлар гуруҳи ўртасида маълум нисбат мавжуд бўлиб, у банк фаолиятини сифат жиҳатдан маълум даражада таъминлаб туриш имконини беради. Банк ликвидлигини таъминлаш мақсадида бажариладиган хизматларнинг баъзилари банкка даромад келтирса-да, улар мавжудлигининг сабаби банк умумий ликвидлигини маълум даражада ушлаб туришдан иборатдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан миқдорларга 50 га яқин банк хизмат турлари тақлиф этиляпти. Банкларда тақлиф этилаётган хизматлар бўйича тўловлар миқдори

белгиланган.

Тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг мухим турларидан бири кредитлаш ҳисобланади.

Республикаимиз тижорат банкларининг кредит хизматини баҳолаш учун мамлакатимизнинг иккита тижорат банки – АТ “Пахтабанк” ва АТ “Галлабанк”нинг кредит хизмати самарадорлигини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси АТ “Пахтабанк” кредит хизмати самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ўзгариши⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар								2008 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	
Кредитлардан олинган фоизларнинг банк ялпи даромади ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши, фоиз ҳисобида	26,2	27,4	32,0	36,5	37,7	42,1	43,0	45,4	19,2 ф.п.
Берилган кредитлар, млрд. сўм	62,5	87,3	113,3	152,3	210,9	329,2	510,9	725,3	11,6 марта
Кредитлардан олинган фоизлар, млрд. сўм	8,2	12,5	19,5	20,9	28,5	35,9	61,8	80,9	9,8 марта

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2001-2008 йилларда “Пахтабанк” томонидан берилган кредитлар ва улардан олинган фоизли даромадлар суммаси ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, “Пахтабанк” томонидан мижозларга кўрсатилаётган кредитлаш хизматининг кўлами кенгаяётганлигидан ва кредитлаш самарадорлиги ошаётганлигидан далолат беради. Кредитлардан олинган фоизларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шу билан бирга, таҳлил қилинган давр мобайнида “Пахтабанк” томонидан берилган кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати унинг кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатидан орқада қолаётганлиги кузатилмоқда. Бу эса, ўрта ва узоқ муддатли даврий ораликларда “Пахтабанк” кредитлаш хизмати самарадорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки, кредитлардан олинаётган фоизли даромадлар даражаси банкнинг кредитлаш салоҳиятини белгиловчи мухим омил ҳисобланади ва унинг суръати кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатидан паст бўлмаслиги лозим.

Тижорат банкларида кредитлардан олинган фоизларнинг кредит қўйилмалари ўсиш суръатидан паст бўлиши уларнинг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Ушбу ҳолат

⁷ “Пахтабанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

пировард натижада, тижорат банки томонидан кўрсатилаётган кредит хизмати сифатининг пасайишига ва ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

“Ғаллабанк” томонидан миждозларга кўрсатилаётган кредит хизматининг амалдаги ҳолатини таҳлил қиламиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси АТ “Ғаллабанк” кредит хизмати самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар ўзгариши⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар								2008 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	
Кредитлардан олинган фойзларнинг банк ялпи даромади ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши, фойз ҳисобида	44,1	46,2	45,5	34,4	28,3	36,0	47,4	27,7	-16,4 ф.п.
Берилган кредитлар, млрд. сўм	61,5	45,2	62,9	55,8	58,1	61,4	86,9	138,8	2,3 марта
Кредитлардан олинган фойзлар, млрд. сўм	4,7	8,4	11,7	10,6	9,4	8,8	11,8	17,3	3,6 марта

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2002-2005 йилларда Ғаллабанкнинг кредитлардан олган фойзли даромадларида ялпи даромад ҳажмидаги салмоғига нисбатан умуман пасайиш тенденцияси кузатилган. Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2008 йилда ҳам мазкур кўрсаткичнинг пасайиш суръатлари кузатилди. Бу эса, банкнинг кредит хизмати самарадорлиги ошиши жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади. Кредитлардан олинган фойзлар миқдорининг камайиши тижорат банкнинг соф фойзли даромади миқдори озайишига олиб келади. Соф фойзли даромад кўрсаткичи эса, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Таҳлил натижалари кўрсатадики, 2008 йилда АТ “Ғаллабанк” кредит қўйилмалари ҳажми 2001 йилга нисбатан 2,3 мартага ортган. Бу эса, банкнинг миллий ссуда капиталлари бозоридаги мавқеининг кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

2001-2008 йилларда кредитлардан олинган фойзларнинг кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатидан юқори бўлди. Бу эса, АТ “Ғаллабанк” кредитлаш хизмати самарадорлик даражаси ошаётганлигидан далолат беради.

Энди биз “Пахтабанк” ва “Ғаллабанк” томонидан миждозларга кўрсатилаётган ҳисоб-китоб хизматининг амалдаги ҳолатини таҳлил қиламиз.

⁸ “Ғаллабанк”нинг йиллик ҳисоботларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси АТ “Пахтабанк” ҳисоб-китоб хизмати
ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикаси⁹**

Кўрсаткичлар	Йиллар								2008 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	
Банкнинг ҳисоб-китоб хизматларидан олган даромадлари, млрд. сўм	21,1	29,2	31,2	31,1	39,1	52,1	54,1	65,9	3,1 марта
Банк операцион даромадлари микдори, млрд. сўм	22,5	32,2	39,7	34,7	43,6	57,5	57,2	83,5	3,7 марта
Банкнинг ҳисоб-китоб хизматларидан олган даромадларининг операцион даромадларидаги салмоғи, фоиз ҳисобида	94,1	90,5	78,5	89,5	89,6	90,6	94,6	78,9	-15,2 ф.п.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, “Пахтабанк” операцион даромадларининг умумий ҳажмида ҳисоб-китоб хизматларидан олинган даромадлар етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу ҳолатнинг вужудга келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

* “Пахтабанк” республикамизнинг йирик, кўплаб миқозлар базасига эга бўлган тижорат банкларидан ҳисобланади, шу сабабли, миқозларнинг ҳисоб-китоб операциялари ҳажмининг ўсиб бориши банкнинг ҳисоб-китоб хизматларидан оладиган даромадлари ҳажмини ошириб беришига олиб келади;

* “Пахтабанк” томонидан миқозларга кўрсатиладиган траст, факторинг, форфейтинг, своп, андеррайтинг каби хизмат турлари етарли даражада ривожланмаганлиги улардан олинаётган даромадларнинг операцион даромадлар ҳажмидаги салмоғи паст бўлишига сабаб бўлмоқда;

* “Пахтабанк” миқозлари сезиларли қисмининг молиявий беқарорлиги уларнинг янги банк хизматларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилмоқда. Банк хизматларидан фойдаланиш учун миқоз маълум миқдордаги комиссия тўловлар тўлашини талаб этади.

* 2008 йилда “Пахтабанк”нинг ҳисоб-китоб хизматидан олинган даромадларининг операцион даромадлар ҳажмидаги салмоғи 2007 йилга нисбатан пасайганлиги мазкур даврда факторинг операцияларидан олинган

⁹ “Пахтабанк”нинг “Фойда ва зарарлар гўтрисида”ги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

даромадлар ва хорижий валютадаги спот операцияларидан олинган даромадларнинг операцион даромадлар ҳажмидаги салмоғи ошганлиги билан изоҳланади. Ушбу икки хизмат туридан олинган даромад банкнинг жами операцион даромадларидаги салмоғи 2008 йил 31 декабр ҳолатига 14,5 фоизни ташкил қилди.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси АТ “Ғаллабанк” ҳисоб-китоб хизмати
ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикаси¹⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар								2008 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	
Банкнинг ҳисоб-китоб хизматларидан олган даромадлари, млрд. сўм	2,6	3,2	2,9	3,6	4,4	6,2	11,0	35,7	13,7 марта
Банк операцион даромадлари миқдори, млрд. сўм	2,8	4,4	3,6	5,1	5,7	7,6	13,1	37,7	13,5 марта
Банкнинг ҳисоб-китоб хизматларидан олган даромадларининг операцион даромадларидаги салмоғи, фоиз ҳисобида	93,5	71,4	80,9	70,5	77,4	81,6	83,9	94,7	1,2 ф.п.

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, банкнинг ҳисоб-китоб хизматларидан олган даромадлари миқдори таҳлил қилинган давр мобайнида барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади.

2008 йилда “Ғаллабанк” операцион даромадлари ҳажмида ҳисоб-китоб хизматларидан олган даромадлари салмоғи 2001 йилга нисбатан 1,2 ф.п.га ошган. Ушбу ўсиш “Ғаллабанк”нинг операцион даромадларида асосий ўринни ҳисоб-китоб хизматлари эгаллаши билан изоҳланади.

Жаҳон молиявий инқирозининг чуқурлашиши муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи кескин ошишига сабаб бўлди. Чунки, кредитларнинг қайтмаслиги банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари қолдиғининг кескин камайишига олиб келади. Одатда, АҚШ ва Ғарбий Европадаги тижорат банклари ликвидлилик муаммоси юзага келганда банклараро ссуда капиталлари бозоридан ресурслар жалб қилиш йўли билан мазкур муаммони ҳал қиладилар. Аммо, жаҳон молиявий инқирози банклараро ссуда капиталлари бозоридаги ресурслар баҳосининг кескин ошишига олиб келди. Масалан, 2008 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида Лондон ссуда капиталлари бозорида LIBORнинг йиллик даражаси икки

¹⁰ “Ғаллабанк”нинг “Фойда ва зарарлар рўтрасида”ги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

мартага кўтарилди ва 6,44 фоизга етди¹¹. Банклараро ссуда капиталлари бозоридаги ресурслар депозитли ресурс манбаларига нисбатан қиммат ҳисобланади. Шу сабабли, улардан доимий равишда фойдаланиш тижорат банкларининг фоизли харажатлари миқдори ошишига ва бунинг натижасида соф фоизли даромади миқдори камайишига олиб келади. Лекин, ушбу ресурслар тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози тижорат банкларининг депозит хизматиغا ҳам бевосита салбий таъсир кўрсатди. Бунинг сабаби шундаки, инкирознинг таъсири натижасида тижорат банклари - корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайди. Компаниялар ва корпорациялар ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада қисқариши уларнинг пул оқимини заифлашувига сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, компания ва корпорацияларнинг тижорат банклари муддатли депозит ҳисобрақамларига жалб қилинадиган пул маблағлари миқдорининг камайишига олиб келди. Аҳоли пул маблағларини банкларга жалб этиш барқарорлигини таъминлаш учун биринчи навбатда, улар томонидан банкларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш талаб этилади. Ўз навбатида, мазкур ишончни мустаҳкамлашнинг зарурий шартларидан бири - аҳолининг банклардаги омонатларини тўлиқ кафолатлаш ҳисобланади.

Республикамизда аҳоли ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тижорат банкларига жалб қилиш, уларнинг мамлакат банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш банкларнинг депозит хизмати ҳажмини оширишнинг зарурий шarti – аҳоли омонатларини давлат томонидан тўлиқ кафолатлаш йўли билан таъминланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган олган ҳолда, 13 триллион 360 млрд. сўмдан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир¹².

3. ХУЛОСА

Тадқиқот ишида тижорат банкларининг хизмат турлари, самарадорлиги ва сифатини чуқур таҳлил қилиб чиққан ҳолда, куйидаги илмий хулосалар шакллантирилди ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси банклараро бозори банк капитали, банк депозити ва кредитлар бўйича бозор концентрацияси коэффицентининг ҳақиқатдаги даражасидан юқори эканлиги соғлом банклараро рақобатнинг тўлиқ шаклланмаганлигидан далолат беради.

2. Республикамизда банклараро рақобатни шакллантириш, йирик банкларнинг молия бозоридаги монопол мавқеига барҳам бериш имконини берадиган алоҳида қонуннинг мавжуд эмаслиги соғлом рақобат муҳитни

¹¹ <http://lenta.ru/articles/2008/09/29/banks> сайти маълумотлари.

¹² Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 8 б.

шакллантиришга тўскинлик қилмоқда.

3. Республикамининг айрим йирик тижорат банкларида 2003-2008 йилларда кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғининг беқарор бўлганлиги, айрим даврий ораликларда пасайиш суръатига эга бўлганлиги улар активлари ва кредитларининг даромадлилик даражасига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

4. 2003-2008 йилларда АТ “Пахтабанк” ва АТ “Ғаллабанк”ида талаб қилиб олинмаган депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғи 50 фоиздан юқори бўлганлиги уларнинг депозит хизматлари сифатининг паст эканлигидан далолат беради.

5. Республикамиз тижорат банклари томонидан очилган хужжатлаштирилган аккредитивларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми таъминланган аккредитивлардан иборат эканлиги, овердрафт, валютавий своп хизмат турларининг ривожланмаганлиги, форфейтинг, контокоррент, траст хизматларининг мавжуд эмаслиги банкларнинг молиявий хизмат сони ва сифатини ошириш борасидаги долзарб муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, республикада банклараро рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаган шароитда, банк хизматларини такомиллаштиришга қаратилган куйидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Республикамиз тижорат банклари миқозларга нақд пулларни ўз вақтида ва тўлиқ беришларини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетининг касса ижроси билан боғлиқ бўлган нақд пулли тўловларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан таъминлаш тартибини жорий қилиш лозим.

2. Республикамиз йирик тижорат банкларида кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

- биринчидан, кредит сиёсатини такомиллаштириш лозим;
- иккинчидан, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш лозим;
- учинчидан, кредитларни юқори ликвидли гаров объектлари билан таъминланишини кучайтириш лозим;
- тўртинчидан, ҳар бир миқознинг ишлаб чиқариш циклига боғлиқ равишда кредитлаш шакллари қўллаш лозим.

3. Республикамиз тижорат банклари соф фоизли спрэд коэффициентининг амалдаги даражасини ошириш йўли билан муддатли депозитлар ва муддатли омонатларга тўланадиган фоиз ставкаларини оширишлари лозим. Ақс ҳолда, муддатли депозитлар фоиз ставкаларининг пасайиш тенденциясига барҳам бериб бўлмайди. Бу эса, тижорат банклари депозит базаси ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

4. Республикамиз тижорат банклари ҳисоб-китоб хизматидан оладиган даромадининг операцион даромадлар ҳажмидаги салмоғини ошириш мақсадида: биринчидан, банклар томонидан очилаётган таъминланмаган аккредитивларнинг аккредитив хизмати ҳажмидаги салмоғини ошириш лозим;

иккинчидан, янги банк хизмати турларини (форфейтинг, траст, контокоррент) жорий этиш лозим. Бунинг учун мазкур банк хизматлари ривожланган мамлакатларда республикамиз банклари ходимларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш лозим;

учинчидан, республикамиз банкларида траст, факторинг, андеррайтинг операциялари билан шуғулланувчи алохида бўлимлар ташкил этиш ва бу бўлимни етарли даражада молиявий ресурслар билан таъминлаш зарур.

5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг тижорат банклари ликвидлигига нисбатан салбий таъсири юзага келиши натижасида банк хизматлари сифатининг ёмонлашишига йўл қўймаслик мақсадида депозитларнинг кредитлар сифатида жойлаштириладиган қисмига нисбатан норматив жорий қилиш лозим. Инкирозининг тараққий этган мамлакатлар банклари ликвидлигига таъсирини ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, муддатли ва жамғарма депозитларининг 70 фоиздан ортиқ қисмини кредит операцияларига йўналтиришни чекловчи норматив ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон молиявий инкирози натижасида жорий ликвидлигини йўқотиб қўйган банкларда депозитларнинг кредитларга йўналтирилган қисми 70 фоиздан юқори бўлган.

6. Банк хизматларини ташкил этишда янги инфор­мацион технологиялардан кенг фойдаланиш зарур. Информацион технологияларнинг ривожланиши банк хизматлари ичида мижозга телефон, модем ва компьютер ёрдамида банк операцияларини ўтказишга имкон беради ва банк хизматлари таннархини пасайтиради, операциялар тезлигини оширади.

Хориж тажрибасини мамлакатимиз банклари амалиётига жорий этиш келажакда ўз самарасини бериши табиий. Бу борада:

- телефон-банкнинг – телефонли тонал ракамлаштириш орқали банк хизматини кўрсатиш;
- ПС-банкнинг – компьютер, модем, сервер орқали мижозга хизмат кўрсатиш;
- интернет-банкнинг – интернет орқали хизмат кўрсатиш йўналишларини ташкил этиш керак.

Бу замонавий хизмат турлари жаҳоннинг исталган жойида банк ҳисоб-китобларини ўтказишга имкон беради, мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда Европа мамлакатларидаги жами банк хизматларининг 25 фоизи интернет орқали амалга оширилмоқда.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Наврузова К.Н., Ортиқов О.А. Совершенствование платежной системы Узбекистана. // 17-Международные Плехановские чтения: - Москва, 2004. – С. 88-89.

2. Ортиқов О.А. Россия Федерацияси тўлов тизими.// Ўзбекистонда банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. – Тошкент, 2004. – Б. 120-121.

3. Ортиқов О.А. Банклараро рақобат шароитида кредит сиёсати. // Бозор,

пул ва кредит. - Тошкент, 2006. -№6. - Б. 8-11.

4. Ортиқов О.А. Банк тизимини ислох қилишда тижорат банкларининг қимматли қозғалар бозоридаги фаолияти. // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши: Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. - Тошкент, 2006. – Б. 346-348.

5. Вахобов А.В., Ортиқов О.А. Влияние достижений в сфере компьютерной обработки информации на развитие банковских технологий. // Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш: Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. - Тошкент, 2006. – Б. 306-310.

6. Вахобов А.В., Ортиқов О.А. Банк хизматлари мажмуининг сифат кўрсаткичи. // Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2006. -№12. - Б. 9-11.

7. Ортиқов О.А. Ўзбекистон тижорат банкларининг кредитлаш хизматида хос бўлган тенденциялар. // Развитие розничного банковского бизнеса: Материалы Международной научно-практической конференции.- Москва, 2007. - С. 138-140.

8. Ortikov O.A. Qualified bank management – key to the prosperity // Seeking Ways for Business Economic Cooperation among the Nations along the Silk Roads: Proceedings of the 6th international joint conference. - Korea, 2008. -pag. 753-756.

Иктисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ортиков Ойбек Абдуллаевичнинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича “Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: банклараро рақобат, банк хизмати, банк операцияси, банк маҳсулоти, банк хизматлари бозори, кредит, депозит, хисоб-китоб хизматлари, кредит сиёсати, банк менежменти, лизинг, интернет-банкнинг, супермаркет-банкнинг, касса хизматлари, контокоррент, овердрафт, форфейтинг, факторинг.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банклари фаолияти.

Ишнинг мақсади: иктисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банклари хизматларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тизимли ёндашув, гурухлаш, таркибий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: хориж тажрибасидан республикаимиз банк амалиётида ижобий фойдаланиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилди, шу жумладан, соф фоизли спреднинг меъёрий даражасини таъминлаган ҳолда, банклараро рақобат шароитида, тижорат банкининг банк хизматлари бозоридаги мавқеини сақлаб туриш тавсияси асосланди; Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари хизматлар кўрсатишининг ривожланиш тенденциялари аниқланди; банклараро рақобатнинг кучайиши шароитида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари хизматларини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар республикаимиз тижорат банклари фаолиятида, банк хизматларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иктисодий самарадорлиги: тадқиқот ишида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар акциядорлик тижорат “Ғаллабанк”и томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банклар”, “Банк менежменти ва маркетинги”, “Банк иши” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ортикова Ойбека Абдуллаевича на тему: “Банковские услуги в условиях межбанковской конкуренции и пути их совершенствования” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – “Финансы, денежное обращение и кредит”

Ключевые слова: межбанковская конкуренция, банковская услуга, банковская операция, банковский продукт, рынок банковских услуг, кредит, депозит, расчетные услуги, кредитная политика, банковский менеджмент, лизинг, интернет-банкинг, супермаркет-банкинг, кассовые услуги, контокоррент, овердрафт, форфейтинг, факторинг.

Объекты исследования: деятельность крупных коммерческих банков Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по усовершенствованию услуг коммерческих банков в условиях либерализации экономики.

Методы исследования: системный подход, группировка, структурный и сравнительный анализ, индукция и дедукция.

Полученные результаты и их новизна: разработаны научные рекомендации использования зарубежного опыта в банковской практике республики, в том числе рекомендация по удержанию рейтинга коммерческого банка на рынке банковских услуг путем обеспечения нормативного уровня чисто процентного спреда в условиях межбанковской конкуренции; выявлены тенденции развития практики оказания услуг коммерческими банками Республики Узбекистан; разработаны научно-практические рекомендации по усовершенствованию банковских услуг коммерческих банков Республики Узбекистан в условиях усиления межбанковской конкуренции.

Практическая значимость: научные предложения и практические рекомендации разработанные в диссертации могут быть использованы в деятельности коммерческих банков республики и в выработке системы мер на путях совершенствования банковских услуг.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации полученные в диссертационной работе приняты для внедрения в практику Акционерным коммерческим «Галлабанком». Материалы диссертации могут быть использованы при совершенствовании учебных программ и в процессе преподавания курсов «Деньги, кредит и банки», «Банковский менеджмент и маркетинг», «Банковское дело» в высших учебных заведениях.

Область применения: коммерческие банки Республики Узбекистан, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Ortikov Oybek Abdullaevich

on the academic degree competition of the candidate of economic science, on specialty 08.00.07-“Finance, monetary circulation and credit”, subject: “Bank services in the conditions of an interbank competition and a way of their perfection”

Key words: Interbank competition, bank service, bank operation, bank product, the market of bank services, the credit, the deposit, settlement services, the credit policy, bank management, leasing, internet-banking, a supermarket-banking, cash services, contocorrect, overdraft, forfeiting, factoring.

Subjects of the inquiry: Activity of large commercial banks of the Republic of Uzbekistan.

Aim of the inquiry: Development of the scientific offers and practical recommendations for improvement of services of commercial banks in conditions of liberalization of economy.

Methods of inquire: systematic approach, grouping, the structural and comparative analysis, induction and deduction.

The results achieved and their novelty: scientific recommendations of using the advanced foreign experience in bank practice of the Republic are worked out, including the recommendation about deduction of a rating of commercial bank in the market of bank services by providing of standard level of pure percent spread in the conditions of the interbank competition is expressed; the basic tendencies which are inherent in practice of rendering of services by commercial banks in the Republic of Uzbekistan are defined; scientific and practical recommendations about perfection of bank services of commercial banks of Republic Uzbekistan in the conditions of strengthening of an interbank competition are developed.

Practical value: The scientific offers and practical recommendations worked out in the dissertation can be used in activity of commercial banks, and also in elaborating ways of perfection of bank services.

Degree of embed and economic affectivity: scientific offers and practical recommendations are accepted for introduction in practice commercial bank “Gallabank”. Dissertation materials can be used in higher educational institutions at perfection of curriculums and at teaching of such subjects as “Money, credit and banks”, “Bank management and marketing”, “Banking”.

Sphere of usage: commercial banks of the Republic of Uzbekistan, higher educational institutions.

Тадқиқотчи:

